

Бош вазир ўринбосари Зулайҳо Маҳкамова Термиз тумани пиллакорлари билан учрашди



Бош вазир ўринбосари Зулайҳо Маҳкамова Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Зулхумор Хидирова ҳамроҳлигида Термиз туманидаги “Агро пилла” МЧЖ Янгиариқ филиалига ташриф буюрди.

Филиалда ипак қуртини парваришлаётган ходимлари билан суҳбатлашиб, пилла парваришlash жараёнини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича муҳим тавсия ва топшириқлар бериб ўтди.

Шунингдек, ипак қурти етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузилган пиллакорлар ҳамда фермер хўжаликлари вакилларига яратилган имконият ва имтиёзларга тўхталиб ўтди.